



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади: **«Ерда кибру-ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас»** (Луқмон: 18).

«Аллоҳ таоло айтади: «Ерда кибру-ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас» (Луқмон: 18).

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Аллоҳ таоло кийимини кибр билан судраб юрган кимсага боқмайди» (Муттафақун алайҳ).

«Аллоҳ таоло айтади: «Ерда кибру-ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас» (Луқмон: 18).

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч тоифа киши борки, қиёмат куни Аллоҳ уларга гапирмайди, уларга (раҳмат назари билан) қарамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бордир». Бу сўзни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч маротаба такрорладилар. Абу Зар: «Бундай зиёнкорлар ким, ё Расулуллоҳ?», деб сўрадилар. «Кийимини (тўпикдан пастга) осилтириб юрувчи, миннат қилувчи ва молини ёлғон қасам билан сотувчи кимсалар», дедилар (Имом Муслим ривояти).



Шарх:

Кийимни такаббурлик билан судраб юриш қиёмат кунда қаттиқ азоб бўлиши билан огоҳлантирилган катта гуноҳлардан саналади. Муслмон киши бундан эҳтиёт ва узоқ бўлишга ҳаракат қилиши лозим.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Кийимни такаббурлик билан судраб юриш ҳаром;
2. Бундай қилиш гуноҳи кабиралардан;
3. Кийимини кибр билан судраб юривчи кимсага Аллоҳ таоло қиёмат куни боқмайди, гапирмайди ва гуноҳларидан покламайди.